

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси

АМАЛИЙ ИШ

**МАВЗУ: ТУРКИСТОНДА IX-X АСРЛАРДА ДУНЁВИЙ ВА ИСЛОМ
ФАНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИ**

**БАЖАРДИ: Абдимўминов Ойбек НДПИ
Тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси**

Навоий 2011

МАВЗУ: ТУРКИСТОНДА IX-X АСРЛАРДА ДУНЁВИЙ ВА ИСЛОМ ФАНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИ

РЕЖА:

КИРИШ

1. ТУРКИСТОНДА IX-X АСРЛАРДА ДУНЁВИЙ ФАНЛАРНИНГ РИВОЖИ.

А) Абу Райхон Беруний

Б) Ал – Хоразмий Ўрта асрлар буюк олими.

В) Юсуф Хос Ҳожиб-буюк файласуф ва мутафаккир .

2. ТУРКИСТОНДА IX-X АСРЛАРДА ИСЛОМ ФАНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИИ

А) Имом ал-Бухорий

Б) Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижоди

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Араб халифалиги юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ягона Ислом динининг таркиб топиши маданий ҳаётга ҳам таъсир этди. Маданий ҳаётда юз берган кўтаринкилик маънавий ҳаётда ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Ана шу кўтарилиш бутун Араб халифалигини, Яқин ва ўрта Шарқни камраб олганлиги учун ҳам Шарқ уйғониш даври деб аталди. Бу уйғониш жараёни IX асрдан бошлаб XV-XVI асрларгача давом этди.

Араб халифалигида IX асрда вужудга келган Уйғониш даври халифаликнинг Бағдод, Дамашқ, Халаб шаҳарларида бошланиб, барча бошқа халқлар маданий ҳаётига тарқалган, бу эса у давлатларнинг ҳам маданий ривожланишга замин тайёрлаган. Халифалик емирилиши жараёнида ташкил топган мустақил давлатлардаги маданий ривожланиш халифалик давридаги маданий ривожланишнинг давоми эди.

Халифа Хорун ар-Рашид даврида (786-833 й.й.) ва унинг ўғли ал-Маъмун даврида Бағдодда “Байт-ул-ҳикма” (“Донишмандлик уйи”) (ҳозир Академия маъносида) ташкил этилади. Мазкур Академия барча илм соҳибларининг илмий марказига айланади. Унинг қошида жаҳон кутубхонаси ташкил этилган. Академия 813-833 йилларда янада ривожланган. Академия қошида расадхона ҳам бўлган, кейинчалик янги кутубхона қурилган. Бағдоддаги мазкур илм маркази, ўз навбатида Шарқ ва ғарбда илм-фаннинг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг ривожланишига таъсир этган. Бу ўринда халифа ал-Маъмуннинг илм-фан равнақида кўрсатган ҳомийлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, халифа ал-Маъмун илм фанни жуда қадрлаган. У IX аср бошларидан халифаликнинг Хуросондаги ноиби бўлиб турганда ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросондаги олимларни тўплаб, уларнинг илмий ижодига шароит яратиб берган. Булар орасида ал-Хоразмий, ал-Хутталий, ал-Жавҳарий, ал-Фарғоний, ал-Маразвий каби ватандош олимларимиз ҳам бўлган. Ал-Маъмун халифалик тахтига ўтиргач у олимларнинг барчасини Бағдодга чақириб олади ва “Байт-ул-ҳикма” -донишмандлик уйи (“Маъмун академияси”)да араб олимлари билан ҳамкорликда илм-фан равнақ топади.

XI асрда Хоразмда илм-фан тараққий этади. Хоразм шоҳи Маъмун II ўз саройига забардаст олимларни таклиф этади. У ташкил этган “Байт-ул-ҳикма” -Донишмандлар уйи тарихда “Маъмун академияси” деб ном қолдирган. Бу академиянинг ривож топишида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, тарихчи Мискавайх, риёзиётчи Абу Наср ибн Ироқ, файласуф Абу Саҳл ал-Масихий, табиб Абулхайр Хаммор каби олимлар илмий ижод билан шуғулланганлар. Лекин тож-тахт учун кураш натижасида бу илм даргоҳи ўз фаолиятини тўхтатиб, олимлар тарқаб кетади.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX асрларга келиб маънавий кўтарилиш Шарқ Ренессанси – Уйғониш даврининг бошланишга олиб келди.

Мовароуннаҳрда илм-фан ва маърифат соҳасида ўз хизматлари билан

дунёга машхур бўлган файласуф ва мунажжим, математика, физика, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мероси билан ном қолдирган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар фаолият олиб бордилар. Қомусий олимлар ўз илмий меросида таълимий-ахлоқий асарлар яратишга ҳам катта эътибор бериб, бу асарларда илгари сурилган ғоялар инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан камол топишида, педагогик фикр тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Шарқ уйғониш даврида соф педагогик асарлар ҳам яратилиб, таълим-тарбияда инсон такомилнинг хусусий ва умумий методлари ҳақида ўлмас таълимоти билан ном қолдирган тарбияшунос олимлар ҳам майдонга чиқди.

1. ТУРКИСТОНДА IX-X АСРЛАРДА ДУНЁВИЙ ФАНЛАРНИНГ РИВОЖИ.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ



Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний Хоразм пойтахтида хижрий 362 йилда, милодий 973 йилда тугилган. Унинг тарбияси билан Абу Наср Ирокий шугуланади.

X асрнинг биринчи яримида Хоразм 2 қисимга бўлиниб, буларнинг бирида, яъни жанубий қисмида Шох Абу Абдулло Муҳамад, иккинчи қисмида, шимолий қисмида эса Хоразм амири Маъмун ибн Муҳаммад ҳукумдор эди. 995 йилда бу икки ҳукмдор уртасида тахт учун бўлган қуршлар Маъмун ибн муҳаммад ғалабаси билан тугади. Ягона Хоразм давлати ташкил топди. Хоразмшоҳ Абдуллонинг енгилиши Кот шаҳрида тинчгина илм билан шугулланаётган кишилар хетига салбий таъсир қўратди. Шулар қаторида 22-23 ёшлардаги Беруний ҳам илмий ишларини тўхталиб, дастлаб Жўржон сунгра Рай шаҳрига кетишга мажбур бўлди. 995-997 йилларда Рай шаҳридаги расадхонада қўзатиш ва ўлчаш ишларини олиб борди.

Беруний бошланғич таълимни қишлоғдаги мактабда олган, сунгра йирик мунажжим ва математик Абу Наср ибн Ирок таълим-тарбиясида ўлғайган. У 17 ёшда ёш мунажжим олим сифатида танилди. Беруний Хоразм, форс, араб, юнон, санскрит ва яҳудий тилларини пухта ўрганган. Жўржон ҳокими Кобус ибн Вишмигир саройида илмий ижод қилиш учун қўлай шароитга эга бўлиб, ёшлигида тўплаган материаллари асосида қитоб ёза бошлади. 1000 йилда эса Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгўрликлар" номли қитобни ёзиб тугатади 1004 чи йилнинг бошларида Беруний Маъмун 2 томонидан Хоразмга чақириб олинади ва саройда шўхнинг яқин маслаҳатчиси сифатида қўрсатади. Беруний арабча шўрлар ёзади. Беруний "Ўтмиш ёдгўрликлари", "Хоразмнинг машхўр аодлари", "Геодеазия",

"Минералогия", "Хиндистон", "Фармокология", "Конуни Маъсудий" ва бошка асарларни яратган. 1010-1017 чи йилларда А.Р.Беруний Акалик ва узунлик жугрофик нукталарни хисоблаб чикди. 1016 йилда "Куёш харакатини аниклаш йули" деган китобни ёзиб тугатди. "Маъмун академия"си Беруний учун фан чуққиларини забт этишга ёрдам берди. 1029-1034 йилларда булмиш-Рахонга атаб "Китоб ат тавхим" , яъни "Фалаккиёт санъати" мукадиммасии тушинтириш китоби асарини 1048 йил охирида "Китоб ас-Сайдони" сингари асарларини яратди. Ал-Беруний 150 дан ортик ноёб дурдона китоблар ёзиб колдирди. Шулардан бизгача 30 дан ортик китоби етиб келган.

Беруний энг сунгги нафасигача дунё сирларини очиш билан бирга инсоният яратган билимларни урганиш, умумлаштириш ва баён этишга уз кмрини сарфлаган, Беруний умрининг сунгги кунларида бундай деб ёзган эди: "Биргина нарса учун узокрок яшашим керак эди, у хам булса кулимдаги нотамом асарларни тамомлаш ва окка кучирмай колганларни кучириш эди". Аммо, дахшатли улим, рахмсиз ажал буюк олимнинг максадига етишишга имкон бермади. У 2 декабр 1048 йилда 75 ёшида Газна шахрида вафот этди.

Берунийда халкпарварлик, ватанпарварлик, исчил иноснийлик, хакикий илмий караш ва хулосалаш узвий равишда чамбарчас боглик. Абу Райхон Берунийнинг ижтимоийлик, ахлоқ ва одобнинг асосий масалалари буйича карашлари инсонийлик туйгуси билан йугрилган. У халклар уртасидаги дустликни ёклаб, хукмдорларнинг узаро урушларига карши чикади. Унинг ижтимоий карашлари марказида инсон, инсоний жамият туради.

Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад Ал Беруний урта асрда жуда огир машаккатли хаёт кечиришга карамасдан узининг илм фан ва маърифат саохасидаги улкан хизматлари билан бутун дунегача уз замонасининг буюк файласуфи, мунажжим математики, фиаги, доришуноси, жуографиячиси, тарихчиси, адабиётчиси, машхур педагоки ва бошка фанларни чукур билган комусчи олим сифатида танилди. Олимнинг илмий мероси хали урта аср шароитида жахолатдан кутилмаган карбий Европага илм нуруни таркатди. Жумладан, унинг "Ат-Тавхим", "Масъуд конуни" номли асарлари ушача даврда ва кейинги даврларда хам мактабларда укилиб келган экан.

Берунийнинг илмий фаолияти узидан кейинги авлодга хам жуда катта таъсир курсатмокда. Умар Хайём, Н.Турссий, Чагманий, Улугбек А. ли Кушчи ва бошкалар Берунийни узларининг устозлари деб хисобланган эканлар. Биринчи Берунийшунос немис олими Э.Захау Берунийга "Фан океанидан яккаю-ягона коядир" деб юксак бахо берган. Демак, Берунийнинг илм-фан ва маданият тараккиёти тарихида тутган урни каттадир.

Унинг таълим-тарбия тугрисида баён килинган фикрлари Урта Осиё халкларининг педагогика фанига оид фикрлар тарихини урганишда юксак ахамиятга эгадир. Буюк аллома Беруний асарларининг мазкур ва мохиятидан, унинг таълим-тарбия тугрисидаги олам шумул фикрлари маданият ва тарих хазинасига битмас туганмас хисса булиб кушилган. Шундай килиб, буюк олим Берунийнинг илмий мероси табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий карашлари жамият ва инсон хакидаги кимматли, фикрлари

мехнаткашларнинг, укувчи ёшларнинг илмий дунекарашини бойитиш ва кенгайтиришда муҳим аҳамиятга касб этади.

Беруний жамиятда, ижтимоий турмушда адолат масаласига катта аҳамият беради. Жамиятдаги жуда кўп муассаса, ташкилотлар Беруний фикрича, зарурий эҳтиёжлар орқасида келиб чиқган бўлиб, одамларнинг узаро келишувларининг ҳосиласидир. Олим пулнинг пайдо бўлишини шаҳар, хунармандчиликни вужудга келиши, меҳнат ва меҳнат маҳсулотларини тахсимланиш каби масалалар инсон ақл заковатига, унинг машғулоти турига, касбкорига асосланганлигини таъкиблайди. Беруний учун инсондан шарафлироқ ва қимматлироқ аод йўқ. У кишиларнинг қундалиқ турмушдаги юриш туришлари, узларининг тутиши, одамларнинг сузи, қалби, кийим, бажарган меҳнати ҳамма-ҳаммасига гузал бўлишини талаб этган. Берунийнинг мақсади инсон қиёфаси, унинг юриш туриши, хатти-ҳаракати, ўз ифодаси билан юзага келишини тўқроқ айтиб, укувчига гузаллик қонунини етказди. Беруний табиий гузалик билан бирга инсон ахлоқида феъл-атворида гузалик бўлигини тушунади ҳамда биринчидан иккинчисининг тўқ фарқини қўради. Ўлуг олим ва педагог А.Р.Беруний узининг буюқ хизматлари билан ўзбек халқининггина эмас, балки бутун Ўрта осий халқларининг фахри, бутун жаҳон илғор кишиларининг ифтихори сифатида яшаб қелди ва яшамокда.

Беруний асарлари ва унда инсон қамолати ва тарбиясига бағишланган гоёлар: Ўқорида биз буюқ матафакқир, олим ва педагог Беруний асарларини санаб ўтдик Берунийнинг асарларида ўлуг олимларга ҳос икки ҳусусият бўлди:

1. Ҳур ва бетараф муомалада бўлиш.

2. Мусбат билимга номувофиқ ва ақлга ўйғун бўлмаган бўш ва асоссиз фикрларга боғланиб қолмаслик. мавзунини танқидий аёхн билан тадқиқ этмок, етарли далиллар топилгандан кейин ҳақиқатни тасдиқламок лозим. У инсоннинг қадр қимматини ўлуглаган, инсонларнинг ишонч ва маъмуриклари бир-бириникидан фарқ қилишига диққатни тўртган, аммо дуне маданияти такомил ва шу ранг-баранглик натижасида бунед бўлганини тасдиқланган. Унинг фикрича, инсонлар ўқ сабаб билан бахтсизликка дучор бўладилар:

1. Инсон ер юзида яратилганлар орасида энг мумтозидир. Аммо инсонлар қизганчилик сабаби бир бирларнинг қўлларида бўлган нарсаларга қўз тикадилар. Бу ҳам ижтимоий ҳузурсизликка сабаб бўлади.

2. Ўз ишончини, масхабини ва қабиласини бошқалардан ўстун қўймок инсонлар орасида нифокларга йўл оқади.

3. Ҳурофотлар ва бўш ишончсизлик инсонликнинг такомилини орқага сўрмокда ва тушунмовчиликларни юзага қелтирмокда.

Беруний "Ҳиндистон" асарида шуларни ёзди:

Бу қитоб баҳолашиш ва тортишиш қитоби эмас, шунинг учун бу қитобда душманлар иботини қелтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиқганларга қаршилиқ қўрсатмайман. Бу факатгина баён қилиш қитобигина ҳолос.

.... Илм эса жасад табиятини уз холига куйиб, куёш тукунидан ёки булутдан тозаланганидек, нафс коронгуликдан тозалайди.

..... Акл эса ҳеч қачон вақт ва замонга бойланмай, нарсаларни ҳақиқатини била олади, утмиш ва келажакдаги нарсалар ҳам унга баробардир. Аклнинг энг яқин ёрдамчиси фикр ва табиат, энг узоқ ёрдамчиси бешта сезгидир. Сезгилар билинганлардан бир булагина фикрга етқизса, фикр уни сезги янгилашларидан тозалаб, аклга топширади. Акл унинг умумий (илм) га айлантиради ва буни нафoga билдиради, нафс шу йул билан олимликга айланади.

.... Яна бошқа муваффақиятларни муйиб амалга мос келадиган қувватини эгаллаш билан ҳам илм ҳосил бўлади.

..... Яхши ҳулқ, дин талаб этадиган ҳулқлар бўлиб, шохобчалари қуп бўлса ҳам, уларнинг фикрича, асл ва асоси қуп маъноларни уз ичига олган бир мунча ишлардан иборатдир.

- Улар :
- 1) Улдирмаслик; 2) Елгон гапирмаслик;
 - 3) Угирлик қилмаслик; 4) Зино қилмаслик;
 - 5) Мол йигмаслик; 6) Кейин доимо пок ва тоза бўлиш;
 - 7) ҳамиша руза тутиб, узини қийнаш;
 - 8) Тангрини поклаб ва улуглаб, унинг ибодатига ёпишиш

Беруний инсонни ҳар томонлама қамол топишишини энг аввало меҳнат билан, уқибмаълумот ва ҳунар эҳаси бўлиши билан боглик деб билган. Унинг фикрича, инсон ақли ва маърифатлиги билан барқамол ва расодир.

Маълумки, киши қамолотида уч нарса (ирсият, муҳит, тарбия) асосий ва етакчи роль уйнайди. А.Р.Беруний инсон қамолоти ҳақида гапирганда, уни гузаллик, қурқамлик, олий жаноблик мардликда деб билди. Биз- деб ёзади, олим, -эраталаб нонуштасини қилиб, қечқурун шомлигини еб-ичиб юрганни мард киши демаймиз. Мард киши шундай одамки, эртаю-қеч душманга зарару, дустларга фойда етказган кишидир.

АЛ – ХОРАЗМИЙ ЎРТА АСРЛАР БУЮК ОЛИМИ.

Жаҳон илм-маърифатининг буюқ номоёндаси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий тахминан 783 йилда Хоразмийда дунёга келиб, 847-850 йиллар оралигида Богддодда вафот этган.

Хоразмий тугилиб вояга етаётган даврда Мевароуннаҳр йирик маданий ва савдо марказларидан бири эди.

Олимнинг тулик исми Абу Абдуллах Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий Ал-Мажусийдир, "Абу-Абдуллох Муҳаммад " Исломга утганларга бериладиган анъанавий исм бўлган. Хоразмийнинг авлодлари мажмусий қохинларидан, яъни "Мугуллар" дан бўлиб, исломни отаси қабул қилган бўлиши қерак. Илмий адабиётларида ёзилишига қура Хоразмий бошланғич маълумотни уз уйида олган, чунки унинг отаси адимий диний ҳамда дунёвий билимлардан ҳабардор бўлган. Шу туфайли ал-Хоразмий болалигиданок бу илмий манбалардан урганиш имқониятига эга бўлган. Муҳаммад Хоразмий

математика билан жуда берилиб шугулланган, бу сохага оид барча асарларни кунт билан урганган, Араб, форс, хинд, юнон тилларини ҳам урганиб, бу тилда яратилгана асарларни ҳам укий оладиган булади. Лекин Хоразмийнинг ватанидан сетда яшаганлигини турлича шархлашади. Чунончи отаси мадусий кохинлардан булганлиги учун ҳам араб мутассаббилари уни таъкиб килганлиги сабабли у Хоразмий ташлаб кетишга мажбур булган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Хоразмийшунос олим А.Ахмедов халифа Хорун ар-Рашиднинг угли Маъмун-ар Рашид Марвда халифа ноибни турганла сарайида жуда куп олимларни туплаган, сунг халифа булиб кутарилгач уларни ҳам Богдодда олиб кетганини таъкидлайди.

Биз А.Ахмедовнинг фикрига кушилган холда яна куйидагиларни ҳам баён этмокчимиз.

Бунинг сабаблари -биринчилардан, уша даврда барча илмга интилган олимлар маълум фанларни эгаллаб олганда сунг илм-фан марказларига сафар килганлар ва у ерда етук олимлар билан мулокотда булиб, турли фанлар буйича бахс-мунозара юритганлар махсус сайёргарликдан ва синовлардан утганлар, узларини фан оламида синаб курганлар. Иккинчидан халифаликда илм маркази саналган Дамашк ва Богдодда илм-фаннинг тараккий этганлиги ва шахсан халифакларнинг илм-фан тараккиётига хомийлик килганлиги ҳам олимларни жалб этган.

"Байтул Хикма" да математика, геодезия, география фаланккиёт ва бошка сохалар буйича тадкикотлар олиб борилди ва ал-Хоразмий макзаби яратилади. Олимнинг айникса, математикага оид илмий мероси жахон ахамиятига эга булди.

Халифа ал-Маъмун хатто Мухаммад ал-Хоразмий бошчилигида Хиндистон ва Рум (Византия) Хазария (Волганинг куйи окимидаги) ги улка га бир неча марта илмий сафарлар уюштиради.

Олим инсоннинг камолга етиши ва инсоний муносабатларда илм-фаннинг мухимлиги гоясини илгари сурган холда педагогик фикр тараккиётида ҳам муносиб урин эгаллайди. Хоразмий математика, география, геодезия, фалаккиёт сохаларида йирик тадкикотлар олиб борган. Лекин у математика сохасидаги янгилик яратган назарийётчи ҳамда педагог-услугиятчи олим сифатида тарихда колган.

2) Хоразмий илмий мероси билан билиш назариясига узининг улкан хоссасини кушди. "Ал китоб ал мухтасарфи хисоб алжабро ва мукобала " асарида ("Алжабр ва ал мукобалла хисоби хакида кискача китоб") сонли квадрат ва чизикли тенгламалар уларни ечиш йулларни баен этади.

Рисола уч кисмдан иборат булиб, биринчиси-алгебраик кисм унинг охирида савдо муомласига оид кичик бир булим келтирилади. Иккинчи - геометрик кисм алгебраик усул куллаб улчашлар хакида, учинчи кисм васиятлар хакида булиб, муаллиф унар "Васиятлар китоби" деб атайди.

Ал-Хоразмий математика фанида абстракстия (мавхумийлик) тушунчасини кенгайтирди. Индукстия йули билан умумий ечиш усулларини

хал этди, дедукстия йули билан умумий усуллар ёрдамида турли хусусия масалаларни ечди.

"Ал-Жабр ва мукобала" асари билан ҳам математика фанини ривожлантириб узидан аввалги билимларни урганди ва уларни синтезлаштириш ҳамда амалда куллаш усуллари баен этди.

Шу асар туфайли "Ал-Хоразмий" номли лотинча транскрипсияда "Алгоритм" шаклини олди, кейинчалик ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий тушунчаси алгоритм алгорифмга айланди. У математиканинг назарий ривожланиши билан бирга, ундан турмушда фойдаланиш йулларини ҳам берди, мерос таксим қилишда васиятномаларни тузишда, мол таксим этишда одамларга керак буладиган амалий ишларга зарур бўлган ҳисобларни такдим этди.

Хоразмийнинг математикага оид иккинчи китоби "Хинд арифметикаси ҳақида китоб" ("Ҳисоб ал хинд")дир. Асар унлик тизими рақамлари (0,1,2,3,4,5,6,7,8,9) га бағишланган.

Хоразмий хиндларнинг фалаккиёт ва математикага оид "Синдихинд" номли қулланмасини уқиб, унинг янгилиш ва қийин томонларини қайта ишлаб янги боблар қушди ва унли "Қисқарган синдихинд" ("Алгоритм хинд ҳисоби ҳақида") деб атади. Асар фақат Шарқдагина эмас. Европада ҳам қулланма сифатида шухрат таратли. Унлик тизимининг кашф этилиши санок тизимида инқлобий ўзгариш ясади ва таъриф берадилар. Европага унлик тизим рақамларидан фойдаланиб энг қатта сонларни ёзиш ва жойларни аниқ қурсатиш X-XI асрларда араблардан кириб келган.

Хоразмий арифметиканинг алгоритмлари бўлган қушиш, айриш, қупайтириш, бўлиш қоидаларини яратган. Турли "жинс" даги сонларни қупайтириш алгоритми ҳам берган. Масалан, минут секундларни бир-бирига қупайтириш учун аввало, бир хил шаклга келтириш яъни секунд ёки минутга айлантиришни қурсатган. Махсус бобда қаср ва млмиздан чиқариш амалларини ёзган.

Хоразмий узининг фалаккиётга доир ишларида хиндларнинг фалаккиёт жадвалларни таҳлил этиб, "Хоразмий зиж" номли билан машҳур бўлган астрономий жадваллар тузди.

Маълумотларга қура VIII-XV асрларда ҳаммаси бўлиб тригонометрия, фалаккиётга оид 100 га яқин зиж - жадвал мавжуд бўлган. Уларнинг қаторига бошқа олимлар билан бирга Хоразмий тузган зижлар ҳам бор.

Хоразмийнинг "Синус зиж"ри асари XII асрда лотин тиллари таржима этилиб, бир неча аср мобайнида ундан фойдаланиб келинди.

Бундан ташқари, "Қитоб суратил ард" ("Ёрнинг сурати қитоби") географияга оид дастлабки қитоб саналади. Бу асар А.Аҳмедовнинг тахминига қура харитани тавсифлаган асардир. У Хоразмийнинг қуп йиллар олиб борган текшириш-қузатишлар ишлари натижаси бўлди. Унда олим Шарқ мамлакатлари устида қузатишлар олиб бориб мамлакат ва шаҳарларнинг ҳаракатларини тузади, номлар рўпарасида ўзунлик ва кенглик даражаларини қурсатади. У географияга оид ясашида Ёрни кетти иқлимига бўлади, ер харитасини тузади. Ташкилотчиларнинг маълумотларига қура

оламнинг турт харитасини тузади. Тадкикотчиларнинг маълумотларига кура-оламнинг турт харитаси - Азов денгизи, Нил дареси Якин ва Урта Шарк мамлакатлари харитаси сакланиб колган. Унинг юкоридаги асари хам Шарк ва Гарбда катта ахамиятга эгадир.

Хоразмий билим олишда талабанинг шахсий кузатишларига хамда олган билимларидан фойдаланишга катта эътибор берди. Бунда у илм изловчиларнинг илмий манбаларни туплаш уларни ифодалаш ва кузатилганларни йуштира олиш малака ва куникмаларни хосил килишга катта бахо беради. "Ул-китоб ал мухтасар фи хисоб алжабр ва ал-мукобала" асарида олмишларни уч гурухга булади. улардан узидан аввалгилар килган ишларни амалга оширишда бошкаларидан узиб кетади ва уни узидан кейин келувчиларга мерос килиб колидиради.

Бошкаси узидан аввалшилариининг асарларини шархлайди ва бу билан кийинчиликларни осонлаштиради, ёпикни очади йулни ёгитали ва уни тушунарлироқ килади ёки бу айрим китобларидан нуксонлар топадиган сечилиб ётганини туплайдиган одам булиб у узидан аввалгилар хамида яхши фикрда булади, такаббурлик килмайли ва узи килган ишидан магурланмайди.

Хоразмийнинг бу фикри бир томондан, олимларнинг маънавий юксаклигини ёритса, иккинчи томондан, уша даврда илмий-тадкикот ишлари ва укитилишнинг усул ва воситаларидан кай даражада фойдаланганлигини курсатади.

Купчилик мутаффакиярлар катори Хоразмий хам билим беришнинг кургазмали тажриба усуллари, савол-жавоб малака-вакуникмаларни шакллантириш, билимларни синаш усулларимдан фойдаланган.

Масалан, Хоразмийнинг арифметикага оид рисоллари унинг тафаккурни ривожлантириш учун билимларни изчил баён этишга эътибор берганлигини курсатади.

Хоразмий билишни сезгидан мантикий тасаввур оркали фарк килиш хакида фикр баён этган: "Сезги" оркали билиш бу кисман билиш булса, "мантикий" баён билиш эса хакикий, билишнинг мухим томонини намоён этади.

3) Хоразмий билиш назариясига мухим хисса кушни. У биринчилдан булиб, синов-кузатиш ва синов усулларига асоса сонли самовий кисмларнинг харакатини акс эттирувчи жадвал асосида математик масалаларни алгоритм усулида ечишни жалб чикди. У математик масалаларни гоялларни асосида одамларнинг амалий талаблари натижасида юзага келишини асослайди. Масалан, ер ишлари, бинолар куриш, каналлар ечиш. У биринчи марта инсонлар уртасидаги муносабатларни математик шаклларла ифодалади.

Хоразмий илмий фаолиятининг методологик жихатларига катта ахамият берди. Хулоса килиб айтганда, ал-Хоразмий Европа ва Шаркда фалаккиёт ва математика сохасидаги янги давр очди. Хиндларнинг унлик тизим ракамлари Хоразмий туфайли "Араб ракамлари" номи билан бутун дунегга ёйилди. Хоразмий тарихра келиб алгебра фанининг асосчиси сифатида кирди. Хоразмийнинг хаётий ва амалий муаммоларни хал этишга

оид тавсия этган усуллари фикрига оид масалаларни ечишда муҳим кулланма бўлди.

Хоразмийнинг фалаккиёт ва геодезияга оид кузатишлари, географияга оид асарлари, у чизган Ер харитаси ҳам Шарк ва Гарб олимлари учун чизган текшириш- кузатиш ишларини олиб боришда муҳим кулланма бўлиб хизмат килди. Олим "Ер сатҳини улчаш" ("Алстралябия") "Куёш соати тугрисида", "Яхудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш" ва бошқа асарлари билан ҳам фан ривожига катта хисса қўшди.

Юморидагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ал-Хоразмий илмий билим таълим усуллари, илм фанга қўшган улкан хиссаси билан инсонни ақлий камолга етказишда, таълим-тарбияда ўз ўрнига эгадир.

Олимнинг ижоди ҳақидаги маълумотлар ҳам унинг ҳаёти тугрисидаги маълумотлар каби жуда кам. Сакланган маълумотларга қўра, унинг қаламига мансуб асарларнинг сони ундан ортиқдир:

1. "Алгоритми ҳинд ҳисоби ҳақида" номи билан маълум. Асарнинг арабча нусхалари сакланмаган.

2. Ал-китоб ал-мухтассар фи ҳисоб ал-жабр вал-муобала (ал-жабр алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб)

3. "Зижи ал-Хоразмий" (Хоразмий Зижи) арабча нусхада сакланмаган. Асарнинг 1007 йили испаниялик араб астрономи Маслама ал-Мажритий (X-XI) қайта ишлаган нусхадан XII асарда Аделард Бат бажарган латинча тажриманинг нусхалари мавжуд.

4. Муҳаммад ибн ал-Хоразмийнинг ажойиб ишларидан, Астурлаб ёрдамида азимтуни аниқлаш ("Зараиф мин амал Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий та риф ас-самт би-л-астурлоб"), ягона арабча қўлёзмаси Истанбулда Аё Суфийё қутубхонасидан 4830/13-рақамли инвентарь (198-200 ғарплар, ҳижрий 620 йили қўчирилган) рақам билан сакланади. Русча тажримаси нашр этилган.

5. Мрамар соат ҳақида китоб (Китоб ар-руҳама)

6. Тарих китоби (Китоб ат-тарих)

7. Абу Маслама ал-Мажритий ўзининг "Ғоят ал-ҳаким" номи асар да Хоразмийнинг астроматик маънога эга саридан ститата келтиди. Бу асар сакланмаган.

8. Яхудийларнинг эралари ва байрамлари ҳақида рисола. (Рисола фи истихроҷ та рих ал-йаҳуд ва а ёҳидим) қадендарга таалукли.

Бу китобни таржима қилган.

9. Сурати-л-арз китоби (Китоб сурати-л-арз) - Хоразмий "География"си бу асар ҳам муаллиф томонларидан таржима қилинган.

10. Астурлоблар билан амал тутиш ҳақида китоб (Китоб ал-амал би-л - астурлобот).

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ-БУЮК ФАЙЛАСУФ ВА МУТАФАККИР

Буюк файласуф ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб (тахминан 1016-1018 й) ҳозирги Қирғизистон Республикасининг Боласоғун

шаҳрида туғилган. Адиб дастлабки таълимни ўз шаҳрида, олий маълумотни эса – Қошғар шаҳрида олди. У бошқа машҳур олимлар сингари, Сожия (Нур таратувчи) мадрасасида таҳсил олди.

У ўзининг «Қутадғу билиг» достонини Қошғарда 18 ойлик каттик меҳнатдан кейин ёзиб тугатди. Турк файласуфи Р.Р.Аратнинг маълумотларига кўра, асарни якунлаш пайтида Юсуф Хос Ҳожиб 54 ёшда бўлган. Айрим олимларнинг таъкидлашича, Юсуф Хос Ҳожиб «Сиёсат ҳақида китоб» ва «Қомуслар китоби» номли асарларини ёзган¹. Лекин, афсуски бу қўлёзмалар изсиз йўқолган.

Мутафаккир 68 ёшида вафот этган. У Қошғар шаҳрининг жанубида жойлашган Пайпоп ҳудудида дафн этилган.

Мусулмон Шарқи минтақаси ахлоқий тафаккурида XI аср алоҳида диққатга сазовор. Унда икки буюк панднома яратилди. Бири туркий тилда – Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билимлар»), иккинчиси форсийда – Кайковуснинг «Қобуснома» асари.

«Қутадғу билиг» 13000 мисрани ўз ичига олган ахлоққа, сиёсатшуносликка доир монументал асар. Уни туркий халқларнинг ахлоқий қомуси деб аташ мумкин. Китобда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, ҳалоллик ва ҳаромлик сингари тушунчалар батафсил қаламга олинади. Уларнинг моҳияти образли, бадий юксак мисраларда, шеърий ҳикматларда, мақолларда очиб берилади.

Мана, эзгу одамга Юсуф Хос Ҳожиб қандай таъриф беради: «Эзгунинг барча қилмиши ва йўриқлари халққа фойда ва манфаат берадиган бўлади. Барчага бирдек яхшилик қилади, лекин эвазига улардан мукофот миннاتини қилмайди. Эзгу ўз манфаатини кўзламайди, бошқалар манфаатини кўзлайди, бошқаларга келтирган фойдасидан ўзига манфаат тиламайди». Тўғрилиқни эса, у шундай таърифлайди: «Тўғрилиқ одам учун жуда керакли сифатдир, у одамийлик демакдир». Инсоннинг кадр-қимматини ҳам мутафаккир инсонийликда, одамгарчиликда деб билади: «Одам кадрли эмас, одамгарчилик кадрли, одам ноёб эмас, одамгарчилик ноёб».

«Қутадғу билиг»да фақат ахлоқий тамойиллар ёки тушунчалар эмас, балки муомала одоби ва этикет муаммолари ҳам ўртача ташланади, тил билан дил бирлиги ахлоқийликнинг асоси сифатида талқин этилади. Ахлоқийликнинг яна бир асосини буюк бобокалонимиз билимда кўради: у ақл-заковатни инсон кадр-қимматини юксалтирувчи неъмат деб билади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони – Жаҳон маданиятида муҳим ўрин тутади. У туркий халқларининг маданий меъросида етук адабий хайкал бўлиб келмоқда. Бу асар Юсуф Хос-Ҳожибнинг биринчи, энг қадимги ва XI асрнинг ягона туркий шеърий асаридир. Асар мазмуни, тили ва услубидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юсуф Хос-Ҳожиб араб ва форс тилларини мукаммал билган, бу тиллардаги диний, илмий, бадий адабиёт билан чуқур таниш бўлган. Бундан ташқари аллома қадимги турк ёзма адабиёти, туркий халқлар оғзаки ижодини ҳам яхши билган, улар муҳитида

¹ «Журнал наука» 2004й №2 9-10бетлар Э.Наринбаев ОшГУ профессори, фалсафа фанлари доктори

тарбия олган. Адиб туркий элатларнинг қадимий кўшнилари хитой, мўғул, хинд, эроний халқлар маданияти, Юнон фалсафаси ва бошқа ўша давр маънавий ҳаётининг турли томонлари ҳақида мукаммал билим олган. Юсуф катта истеъдод соҳибидир. Ўша давр анъанасига кўра, у араб, форс тилларида ҳам шеър ижод қилган бўлиши керак, туркий адабий тилда, балки девон ҳам тузгандир. Афсуски, бизгача шоирнинг ягона достонидан бўлак асари етиб келмаган. Аммо аниқ айтиш мумкинки, ҳеч қайси ижодкор илк ижодини 6,5 минг байтга яқин йирик достон ёзишдан бошламайди.

Кўпчилик “Қутадғу-билиг”ни фақатгина дидактик, панд – насиҳат бадиий асар деб билади. Лекин “Қутадғу-билиг” айна пайтда муҳим фалсафий масалалар жамланган фалсафий асар ҳамдир. Биз ушбу маърузамиз орқали уммон янглиғ асардаги айрим фалсафий қарашлар ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз. Асар халққа тушунарли бўлиши учун жуда содда тилда ёзилган.

Алломанинг бу қомусий асари – нафақат дидактик поэма бўлибгина қолмай, табиий ва гуманитар фанларнинг кенг қамровдаги муаммоларини ўрганувчи манбаадир. Бу достон минтақа адабиётининг биринчи босқичида яратилган туркий тилдаги ислом маънавиятининг бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб таърифласак арзийди.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам файласуф, ҳам шоир, ҳам аллома ва ижтимоий арбоб эди. «Қутадғу билиг» достонида фалсафий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, этик ва эстетик муаммоларни ҳал этиш масалалари кўтарилган.

Буюк алломанинг дунёқарашида унинг дунёга пантеистик қараши уфуриб туради. «Қутадғу билиг» достонида дунёнинг яратилиши Оллоҳдан, деган тушунчага таянади. «Оллоҳ ўзининг иродаси билан ердаги барча мавжудотни, кўкда айланувчи фалак гардишини яратди» деб изоҳлайди.

Яратти кўр авран тучу эврилур,
Анинг бирла тезгинч ема тезгинур.
Яшил кўк яратти уза юлдузи,
Қара тун тўрутти, яруқ кундузи
Бунинг мазмуни кўйидагича:

Яратти фалакни доим айланар,
У бирла бу чарҳ ҳам доим тебранар.
Яратти яшил кўкни юлдузи билан,
Қора тун яратти у кундуз билан.²

Ўрта Осиёнинг бошқа алломалари сингари (Фаробий, Беруний, Ибн Сино ва б.) Юсуф ҳам Аллоҳ дунёни яратгандан сўнг, дунё мустақил равишда ўз қонунларига таянган ҳолда ривожланади, деган ғояни илгари суради. Дунё модели ва унинг ривожланишидаги уйғунлик ҳақида бир қатор қизиқарли ғояларни айтиб ўтган.

² “Қутадғу билиг” Қ.Каримов.Т.,Фан, 1971

Юсуф Хос-Ҳожибнинг коинот тузилиши ҳақидаги таълимотида Афлотун –Птоломей системаси билан умумийлик жойлари жуда кўп. Табиий фанларининг ўз замонасига яраша эришган ютуқларидан келиб чиққан ҳолда, Аллома ернинг шарсимон шаклда эканлиги ва у ўз уқи атрофида айланиши ҳақидаги констепстияни илгари суради . Қадимги алломаларнинг анъаналарига биноан, мутафаккир атроф муҳит тўрт моддий унсурдан (ер, сув, ҳаво ва олов) иборат ва ердаги ҳаётнинг негизи ана шулар деб ҳисоблаган. Табиатнинг ва жамиятнинг ҳар қандай ривожланиши ва ўзгариши муайян қонунга асосланган деб ҳисоблаган.

Гносеология (билиш назарияси) соҳасида ҳам аллома онгнинг келиб чиқиши ва моҳияти, инсонлар ҳаётида идроклаш ва билимнинг роли ҳақида самарали ғояларни илгари сурган. У онгни ижодий куч, моддий дунёни англашдаги бир восита деб қарайди. Юсуф Хос Ҳожибнинг констепстиясига кўра, онг инсонни билим нури билан ёритади. Шу ўринда адиб ҳақиқатни билишда сезгини идрок этиш ролини инкор этмайди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, у инсоннинг интеллектуал фаолиятида идрок этишнинг роли ҳақи-даги саволни тўғри қўйган. Юсуф Хос-Ҳожиб англаш билимсиз бўлмайди: дунёни чуқурроқ англаш учун доимо ўз билим ва тафаккурни тўлдириб бормоқ кераклигини ўз замондошларига уқтириб келган.

Инсон ҳайвондан ақли ва билими билан фарқ қилади, заковат, билим ва илмли бўлиш - инсонни ҳурмат қилиш ва унинг қадри ошиши учун асосий омилдир, билим – бойлик, билимсиз инсоннинг сўзи ҳам, онги ҳам пучдир, дейди аллома. У ижтимоий ҳаётни ва давлат бошқарувини маърифат ва фанга таянган ҳолда такомиллаштириш мумкин, деб ишонган. Унинг бу ғоялари Фаробий, Ибн Сино ва Фирдавснинг дунёқарашлари билан уйғундир.

Аллома жамият аъзоларининг барчасини дўстликка, деҳқонларга, чорвадорларга, ҳунармандларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга чақиради, чунки улар одамларни едириб, кийдирадилар, деб тушунтиради. Юсуф Хос-Ҳожиб инсонпарвар сифатида хон ва бекларнинг золим ҳукмронлигини, халқни эзиб, эксплуатастия қилиши, инсон ҳуқуқларини топтаб, камситиш-ларини танқид қилади. У бойларни камбағалларга нисбатан мурувватли бўлишга, хайр-эхсон қилишга чақиради. Жамиятдаги тенгсизлик ва адо-ватни кўриб, уларни ўзаро бирлаштиришга, маънан ва идрокан яқинлаш-тиришга интилади.

Унинг тахминича, табақалар ва синфлар ўртасидаги тенгсизлик, давлат бошқаруви инсонпарварлик йўлига ўтса, ижтимоий адолат қарор топсагина барҳам топиши мумкин. Давлат бошқарувидаги масалаларни ҳукмдор одилона ҳал этса, дoston қаҳрамони Кунтуғди сингари бой ва бекларга ажратмай, уларга бир хилда қараб, одилона иш юритишини иштайди. Давлат ҳукмдори қонунларга таянган ҳолда одилона давлатни бошқарса – идеал давлат бўлади, деб таъкидлайди. Одил ҳукмрон ўқимишли, ақл-заковатли, тафаккурли ва ҳар томонлама етук бўлиши, давлат бошқарувида фан янгиликларига таяниши кераклиги ҳақида фикр юритади. Бу асар

биринчи навбатда ҳукмдор табақага, бекларга, зодагонларга мўлжалланган ва ўшаларга туғри йўлни кўрсатиш мақсад қилинган эди.

Адиб асарининг бадиийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир қирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва аллома орзу умидлари ўзаро ниҳоятда уйғун. Унинг жуда кўп байтлари ҳикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган.

Алломани ҳаёт мазмуни ва инсоннинг абадийлиги муаммолари кизиқ-тириб келган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон жамият олдидаги ўз бурчини бажариши ва ўзидан кейин яхши ном қолдириши керак, бу дунёда ҳамма нарса унутилади, фақатгина савоб иш ва ақлли сўз ўлмайди.

Адиб инсонларнинг маънавий тарбияси ва ижтимоий роли ҳақида фикр юритади. Фикрларининг марказий қисмида ёшларнинг тарбиясига оид ғоялар, халқ манфаатларини кўзловчи, давлатга содиқ кишилар ҳақидаги фикрлар ўрин олган.

Шу билан бир қаторда Юсуф Хос Ҳожиб шахснинг оилавий тарбиясига ҳам алоҳида эътибор беради. Ота-оналар фарзандларига нисбатан талабчан бўлишлари, тақлид учун муносиб, намунали фазилат эгаси бўлмоқлари лозим, деб, тарбиясиз фарзанд – фалокат, бу фалокат нафақат ўзи учун, балки ота-оналари учун ҳамдир, деб айтган эди.

Юсуф Хос Ҳожиб, бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган умум-инсоний, маънавий негизларни ўрганди. Алломанинг ўғитларига таянган ҳолда биз ҳам ёш авлодни шундай руҳда тарбиялашимиз лозим.

Юсуф Хос-Ҳожибнинг адабий меъроси турк халқларининг мада-ниятига катта асос солди. У ўз ижоди билан турк халқлари умумжаҳон маданиятининг равнақига ўз ҳиссаларини қўша олишларини исбот қилди.

2. ТУРКИСТОНДА IX-X АСРЛАРДА ИСЛОМ ФАНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ислом дини таълимоти асосларини ёритувчи Қуръон Каримдан кейинги асосий манба ҳадис ҳисобланади. Ҳадисларни тўплаш ва уларга муайян тартиб бериш асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, уни энг билимдон, турли фан асосларини мукамал ўрганган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган киши (муҳаддис)лар тартиб берган. VIII-XI асрларда тўрт юздан ортиқ муҳаддис ҳадис илми билан шуғулланган. Мазкур билимларни ўрганишнинг ўзига хос йўналиши бўлиб, «ҳадис илми» номи билан юритилган. Кейинги йилларда Муҳаммад Алайҳис-саломнинг ҳаёти, фаолияти ҳамда унинг диний-ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” («Ишонарли тўплам»), “Ал-адаб ал-муфрад” («Адаб дурдоналари»), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг “Аш-Шамоил ан-набавия” асарлари нашр этилди. “Ҳадис” ёки “Сунна” сўзлари бир маънони англатиб, Расулulloҳнинг ҳаёти

ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ишлари, эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий-ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари, панд-насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Пайғамбар Муҳаммад Алайҳиссалом араб бўлмаган кишиларнинг ҳадисларни Қуръони Карим оятлари билан адаштириб юборишларидан чўчиб, ҳадисларнинг ёзиб борилишига рухсат этмаганлар. Бироқ пайғамбар Муҳаммад Алайҳиссалом ҳузурида саҳоблар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларини ёдлаб борганлар. Жумладан, ҳазрати Абу Ҳурайра ана шундай мўътабар кишилардан бири бўлиб, ҳадисларни мукаммал ёдлаб борган. Абу Ҳурайра томонидан қайд этилган ҳадислар тўғри, ишонарли (сахих) ҳадислар ҳисобланган.

Лекин ҳадисларни ёд олган кишилар сонининг тобора камайиб бориши натижасида уларнинг аста-секин унутилиб кетиши борасидаги хавф юзага келади. Ана шу хавфнинг олдини олиш мақсадида халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон берганлар. Ҳадисларни тўплаш хусусидаги фармон дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз томонидан берилган.

Ҳадисларни ёзиб бориш билан машғул бўлган илк муҳаддислар сифатида Рабъ бин Сабеҳ, Саид ибн Аби Аруба, Молик бин Анас, Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдурахмон ал-Авзоий Шоший, Сўфён Саврий Куфий ва бошқалардир.

VIII-IX асрлар ҳадис илмининг ривожланишида “олтин давр” ҳисобланади. Бу даврга келиб, Ислом уламолари томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, уларнинг қандай манбаларга таянилиб тўпланганлиги жиддий тадқиқ этила бошланди. Чунки баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган, уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам биринчидан, ҳадисларни ёддан билувчи ҳақиқий, билимдон, ўткир мулоҳазали кишиларнинг аста-секин камайиб кетаётганлиги, иккинчидан, ҳадисларнинг ҳақиқий, ишонарли, яъни сахихларини сақлаб қолиш мақсадида улар текширилиб, асл ҳолига келтириб, ёзиб йиғила бошланган. Ана шу тарзда ҳадис илми ривожлана бошлаган.

Ислом оламида олтита ишончли тўплам (ас-сахих ас-ситта) энг нуфузли манбалар сифатида эътироф этилган. Ушбу манбаларнинг муаллифлари IX асрда яшаб ижод қилган қуйидаги муҳаддислар бўлганлар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 194 (810), - 256 (870), Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож 206 (819), - 261 (874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 209 (824), - 279(892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний 202 (817), - 275(880), Имом Аҳмад ан-Насоий (215 (830), - 303 (915) ва Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа 209 (824), - 273(886).

Муҳаддислар томонидан яратилган ва ишонарли манбалар дея

этироф этилган “Ал-кутуб ас-ситта” (“Олти китоб”) куйидагилардан иборат:

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан ёзилган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари.

2. Имом Муслим ан-Нишопурий (Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож) томонидан ёзилган “Ас-саҳиҳ” асари.

3. Имом ибн Можжа томонидан ёзилган “Суннан”.

4. Имом Абу Довуд Сулаймон–Сижистоний томонидан ёзилган “Суннан” асари.

5. Имом Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган “Аж-жами ал-кабир” асари.

6. Аҳмад ан-Насоий томонидан ёзилган “Суннан”.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллох ибн Муборак ал-Марвазий саналади. Алломанинг сафдошлари сифатида Имом Аҳмад ибн Ханбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раҳовайх ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн қулайб аш-Шоший, Ҳофиз ал-Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий каби ватандошларимизнинг номлари ҳам машҳур.

ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ



“Саҳиҳ” йўналишининг асосчиси энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Исмоил ал-Бухорий ҳадис илмида “Амир-ул-мўъминин”, “Имом ал-муҳаддисийн” (“Барча муҳаддисларнинг пешвоси”) деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йилнинг

13 майида (баъзи манбаларда 810 йилнинг 20 июлида) (ҳижрий 194 йил шаввол ойининг 13 куни) Бухорода туғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Дастлабки саводини мактабда чиқарган, 10 ёшидаёқ араб тилида яратилган китоблар ёрдамида ҳамда ровийлардан оғзаки равишда эшитиш асосида ҳадисларни ёдлай бошлаган. Аллома ҳадис илмини зўр иштиёқ ва катта қизиқиш билан ўрганди. Абдуллох ибн ал-Муборак, Вакиъ ибн Жаррох каби олимлар томонидан тўплаган ҳадисларни ёд олган, шунингдек, ҳадис ривоятчилари хусусида сўз юритилган баҳсларда иштирок этган.

Имом Исмоил ал-Бухорий 825 йилда, ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳижозга сафар қилади. Маккаю Мукаррама ва Мадинаи Мунавварада бўлиб, ҳаж ибодатини адо этади. Балх, Басра, Куфа, Боғдод, Хуме, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадина каби шаҳарларда бўлиб, сафар жараёнида муҳаддислар билан учрашади. Муҳаддислар билан уюштирилган суҳбатларда улар томонидан айтилган ҳадисларни ёдлаб борар эди. Олти йил Ҳижоз шаҳрида яшаб, у ерда етук муҳаддислардан ҳадис илми бўйича, Дамашқ, қоҳира, Басра ва Бағдод шаҳарларининг машҳур олимлардан эса фикх илми бўйича таълим олади. Шунингдек, алломанинг ўзи ҳам турли баҳс ва мунозараларда иштирок этиб, толибларга дарс ҳам беради.

Имом Исмоил ал-Бухорий истеъдодли, ўткир зеҳнли ҳамда зийрак

олим бўлган. “Манбаларга кўра, Бағдод шаҳрида истиқомат қилган вақтда кўпинча қоронғу кечалари шам ёруғи ва ойнинг нурида ижод қилиб, китоб ёзар экан. Тунда ёдига беҳосдан бирор-бир фикр-мулоҳаза тушиб қолса, шамни ёқиб, дарҳол ўша фикрни қоғозга туширар, шу тахлитда баъзан шамни йигирма мартагача ўчириб-ёқар экан”¹.

Имом Бухорийнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин.

Ривоятларга кўра, у қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутоала қилса, унда баён этилган барча фикрлар, маълумотларни ёдда сақлаб қолаверган. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг қайд этишича, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билган. Шогирдларидан Амир ибн Фаллос “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта ишончли ҳадис эмасдур”, - дейди. Устоз Имом Аҳмад ибн Ханбал ал-Марвазийнинг айтишича, “Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас”.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ўткир зеҳни хусусида яна шундай ривоят келтирилади: “Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Ҳошид ибн Исмоил айтади: “Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?, -деб таъна қилган вақтимизда: Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман, - деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганларидан тузатиб оладиган бўлдик”².

Имом Исмоил ал-Бухорий жуда кўп забардаст олимлардан таълим олади. Манбаларда аллома устозларининг сони тўқсон нафарга яқин бўлган деб кўрсатилади. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғартобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамийдий, Исҳоқ ибн Иброҳим ар-Раҳавайх, Имом Аҳмад ибн Ханбал, Али ал-Мадиний каби олимлар унинг устозлари саналадилар.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ўзи ҳам йирик ва машҳур олимлар Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Рамозий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халаф ибн қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Муҳаммад Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжожларга устозлик қилган.

Имом Исмоил ал-Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ-одобда тенгсиз, саховатли инсон ҳам бўлган. У ҳадис илмининг етук олими саналсада, замондошлари ҳамда шогирдларидан ҳам илм ўрганган. Аллома бир минг саксон нафар муҳаддисдан ҳадис эшитган. Алломанинг ўзидан эса

¹ Уватов У. Ҳадис илмининг султони. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 29 октябр. №43-44

² Ал-Бухорий ҳақида замондошларининг хотиралари. Шамсиддин Бобохоновнинг Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” (адаб дурдоналари) китоби таржимасидан олинди. Таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Шамсиддин Бобохонов. —Тошкент, Ўзбекистон, 1990. 6-8 бетлар.

тўқсон минг нафар киши ишонарли ҳадисларини эшитган. Маълумотларга кўра, Имом Исмоил ал-Бухорий 600 мингга яқин ҳадисни тўплаган., 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисларни ёд олган.

Имом Исмоил ал-Бухорий узоқ сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талаба ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради ва мазкур илмнинг тарғиботчисига айланади. Ривоятларга кўра, халифанинг Бухородаги ноиби Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз-Зухалий уни саройга келиб ҳадис илмидан сабоқ беришга таклиф этади. Аммо Имом Исмоил ал-Бухорий бу таклифни қабул этади ва: “Мен илмни хорлаб султонун амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларни (иккинчи ривоятда саройидагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин”, -деб жавоб беради¹. Шу боис аллома билан амир Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий ўртасидаги муносабатга бир оз путур етади. Бунга айрим ҳасадгўй шахсларнинг иғволари ҳам сабаб бўлади. Амир алломанинг шаҳардан чиқиб кетишга фармон беради. Самарқанд уламолари Имом Исмоил ал-Бухорийни ўз юртларига таклиф этадилар. Йўлга чиққан Имом Исмоил ал-Бухорий Самарқанд шаҳрига яқин бўлган Ҳафтанг қишлоғи (ҳозирги Пойарик туманининг ҳудуди)да бетоб бўлиб қолади ва шу ерда ҳижрий 256 йили рамазон ойининг охириги куни (милодий 872 йил 1 сентябр) 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дафн этилади.

Имом Исмоил ал-Бухорий жуда бой ижодий мерос қолдирган. Унинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Ал-адаб ал-муфрад” («Адаб дурдоналари»), “Ат-тарих ал-кибор” (“Катта тарих”), “Ат-тарих ас-сағийр”, (“Кичик тарих”), “Ал-қироату халфа-л-Имом” (“Имом ортида туриб ўқиш”), “Вафъул-йадини фи-с-салоти” (“Намозда икки кўлни кўтариш”) каби асарлари мавжуд бўлиб, уларнинг қўлёзмалари бизгача етиб келган. Аммо “Ат-тарих ал-авсат” (“Ўрта тарих”), “Ат-тафсир ал-кабир” (“Катта тафсир”), “Ал-жомеъ ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Китоб-ул-ҳиба” (“Ҳадя китоби”) номли асарлари ҳам бўлганлиги маълум, бироқ улар бизгача етиб келмаган. Шубҳасиз, юқорида номлари қайд этиб ўтилган асарларининг энг йириги, шоҳ асари “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам дунёга машҳур. 4 жилддан иборат мазкур китобда пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳис-салом ҳадисларидан ташқари, ислом ҳуқуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотлар ҳам берилган. Унга 600 минг ҳадисдан 7275 та энг “саҳиҳ” ҳамда 4000 та такрорланмайдиган ҳадислар киритилган. Бó китоб Ислom таълимотида Қуръони Каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади.

Ислom дини инсонни маънавий камолот сари етакловчи таълимотдир. Шу сабабли Қуръони Каримда ҳам, ҳадисларда ҳам яхши хулқ-одоб қоидалари ва уларга кишиларнинг қатъий амал қилишлари лозимлиги борасидаги қарашлар кенг тарғиб этилган. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг бир жилдига одоб-ахлоқ масалаларини ёритувчи ҳадислар жамланган бўлса, “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб

¹ Бобохонов Шамсиддин. Кўрсатилган асар, 9-бет

дурдоналари”) номли асарда ҳам ижтимоий турмушда ҳамда инсонлар ўртасида ўзаро муносабатларни ташкил этиш чоғида амал қилиниши лозим бўлган одоб-ахлоқ қоидалари борасида янада батафсил маълумотлар берилган. Ушбу асар 644 бобда баён этилган 1322 та ҳадисни ўз ичига олган.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Бу алломанинг тўлиқ исми — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир (айрим манбаларда Бишр) ал-Ҳаким ат-Термизий. Ҳаким ат-Термизийнинг илмий ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот Тожиддин Субкий ("Табакот аш-шафиъ-ийя ал-Кубро"), Хотиб ал-Бағдодий ("Тарихи Бағдод"), Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ("Лисон ал-мийзон"), ас-Суламий ("Табакот ас-суфийя") ва бошқа бир қатор олимлар асарларида келтирилган. Ҳаким ат-Термизий ўз ҳаёти тўғрисида ўзининг "Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ" асарида баён этади. Бу асар 1965 йилда Байрутда Яҳё Исмоил томонидан олимнинг "Хатмул авлиё" асари билан бирга чоп этилган. Ҳаким ат-Термизийнинг таваллуди ва вафоти саналари ёзма манбалар ҳамда ҳозирги адабиётларда турлича келтирилади. Баъзи муаллифлар, масалан, Ҳожи Халифа "Кашф аз-зунун"да Ҳаким ат-Термизий вафоти йилини милодий 869 йил деб кўрсатган. Алломанинг қабр тошида ҳам шу сана келтирилган. Ҳаким ат-Термизий юз йилдан ошиқ вақт умр кўрганидан келиб чиқилса, манбаларда ҳам у 112, 116, ёки ҳатто 120 ёшгача умр кўргани келтирилади, у ҳолда аллома И тахминан 750 — 760 йиллар оралиғида туғилган бўлиб чиқади. Аини маҳалда бундан 30 йил олдин "Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назарийятуху фил валояти" асарини ёзган мисрлик машҳур олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака Ҳаким ат-Термизий милодий 820 йилда таваллуд топиб 112 йил яшаб 932 йилда вафот этган, деб ёзган. Алломанинг бо-лалик ва ёшлик йиллари ҳақида манбаларда батафсил маълумот берилмаган. "Таржимаи ҳол" ига кўра, у саккиз ёшидан бошлаб диний илмлар билан жиддий шуғулланган, йигирма саккиз ёшида эса Маккага ҳаж сафарига жўнаган. Сафардан қайтгач, Ҳаким ат-Термизий суфийлик ёълини тутган: хилватга кетиб, нафси амморани енгиб, суфиёна рисоаларни ўрганган.

Унинг падари бузуквори Али ибн Ҳасан билимдон муҳаддис олим бўлган, илм излаб Бағдодга борган, ўша даврнинг таниқли олимлари билан ҳадиснинг турли масалалари борасида илмий мунозараларда фаол иштирок этган. Волидаи мухтара-маси ҳамда тоғаси ҳам ҳадиси набавийянинг дуруст билимдонлари ҳисобланишган. Бинобарин, Ҳаким ат-Термизий ўз дунёқарашига улкан таъсир кўрсатган билимли ва илмий муҳитда вояга етган.

Ёзма манбаларда Ҳаким ат-Термизий устозлари ҳақида ишончли маълумотлар келтирилган. Унинг дастлабки устози отаси Али ибн ал-Ҳасан ат-Термизий бўлган. Ал-Хотийб ал-Бағдодийнинг "Тарихи Бағдод" асарида бир мунча маълумот келтирилган. Устозлари орасида Қутайба ибн Саъид ас-Сақафий ал-Балхий (798 — 888 йиллар), Ибн Хиб-боннинг "Машҳур

кишилар тўғрисида китоб" асарида анча дилбар гаплар айтилган Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий, бир қанча вақт Термиз қозиси бўлган Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизий, Суфён ибн Вакийъ (вафоти 860 йил), Ҳасан ибн Умар ибн Схафиқ ал-Баҳрий (вафоти 840 йил), Аҳмад ибн Ҳадравайх (вафоти 854 йил), Абу Туроб ал-Нахшабий, Яҳё ибн Маоз ар-Розийлар (вафоти 875 йил) бўлишган.

Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва фаолиятини тавсифловчи ёзма манбалар маълумотига асосланган ҳолда унинг узун ҳаётини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич — саккиз ёшгача бўлган болалик йиллари. Таассуфлар бўлсинки, унинг ҳаётининг бу даври ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Схундай бўлса-да, у ўз тенгдошларидан фарқли равишда, шу ёшга хос турли ўйинларга кўнгил қўймаган, балки ўзини истиқболдаги илмий ҳаётга тайёрлаб борган — устозларидан кўпроқ дарс олган, турли илмларни (айниқса калом илмини) ўрганган, сирли маънавий ҳаётга ўзини чоғлаган, деб айтиш мумкин.

Иккинчи босқич Ҳаким ат-Термизийнинг саккиз ёшдан йигирма саккиз ёшгача бўлган ҳаётини ўз ичига олади. Бу даврда у турли шайхлардан билим ўрганган. Илм излаб Сҳарқнинг бошқа шаҳарларига борган, Маккада бўлиб, Байтуллоҳни зиёрат қилган. Ҳаётининг шу даврида у ҳадис ўрганишга ҳамда фикҳ масалаларига кўпроқ эътибор берган.

Аллома ҳаётининг учинчи босқичида Қуръони каримни чуқур ўрганиш билан машғул бўлган. У каломуллоҳни, унинг моҳиятини чуқур ўрганиш, рўза тутиш, ибодат қилиш, тақво ва ҳоказолар билан шуғулланган. Ал-Антокийнинг "Қалб муолажаси" фалсафий-тасаввуфий асари унга аиниқса каттиқ таъсир кўрсатган.

Ҳаким ат-Термизийнинг шогирдлари ҳам кўп бўлган. Булар: Абу Муҳаммад Яҳё ибн Мансур ал-Қозий (вафоти 960 йил), Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Холид аз-Зухлий ал-Ҳиравий, Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Журжоний, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳаким ал-Варроқ, Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Хайсам ибн Умрон ибн Бурайда ва бошқалардир.

Ҳаким ат-Термизийнинг илмий-ижодий фаолияти унинг бошқа мамлакатлар ва шаҳарларга саёҳати билан чамбарчас боғлиқ. У Балхда, Нишопурда бўлган, фан ва маданият юксак ривожланган Бағдодга борган. Бу шаҳарларда у машхур олимлар билан учрашган, илмий мунозараларда қатнашган. Схундай бўлса-да, Ҳаким ат-Термизийнинг илмий-ижодий ҳаётида унинг она шаҳри — Термиз жуда муҳим рол ўйнаган, ўзининг асосий асарларини аллома шу ерда яратган. Унинг мавъизаю хутбалари, шунингдек айрим асарлари ва, энг аввало му-сулмонлик маросимлари, Аллоҳга ошиқлик, суфийларнинг айрим тоифалари, "хотамул анбиё" билан бир қаторда бўлган "хатмул авлиё" тўғрисида мулоҳаза юритилган "Хатмул-авлиё", "Илал аш-шариъа" фақиҳлар ва арбобларнинг маълум қисмида норозилик уйғотган. Ҳаким ат-Термизий бадхоҳлар таъкибидан қутулиш учун Балхга, сўнг Нишопурга кетишга мажбур бўлган. У ерларда алломани

кувонч билан кутиб олишган. Кейинчалик у ерларда тарафдорлари ва издошлари кўпайган

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари: Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб асарлар сони тўғрисида ёзма манбаларда турли рақамлар келтирилган. Баъзи муаллифлар унинг асарлари адади тўрт юзга боради, дейишган. Бироқ кўпчилик муаллифлар унинг асарлари сони саксонга яқин, деб ҳисоблашади. Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака ёзишича, Ҳаким ат-Термизийнинг тўрт юз асаридан олтмишга яқини етиб келган. Энг муҳими, бизгача алломанинг илмий-маънавий меросининг асосини ташкил қилувчи асарлари етиб келган (2). Улар орасидан, энг аввало, 291 ҳадисни ўз ичига олувчи "Наводир ал-усул фи маърифат ахбор ар-Расул" номли асарини кўрсатиб ўтиш зарур. Бу асарда Ҳаким ат-Термизий дунёқараши муайян даражада баён этилган. "Наводир ал-усул"нинг бир қўлёзма нусхаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг кутубхона фондида сақланади. Алломанинг нашр этилган бошқа асарларидан "Китоб ҳақиқат ал-одамия", "Адаб ан-нафс"ни санаб ўтиш лозим. Ҳаким ат-Термизий асарларининг катта қисми бизгача қўлёзма тарзида етиб келган ҳамда жаҳондаги турли қўлёзма фондларида сақланмоқда. Чунончи, аллома асарларининг қўлёзмалари Париж, Қоҳира, Дамашк, Искандария, Истамбул ва Лондонда сақланмоқда. Париж Миллий кутубхонасида (араб бўлимида 5018-инвентар остида) Ҳаким ат-Термизийнинг қуйидаги асарлари сақланмоқда:

1. Китоб ас-салот ва мақосидиҳо.
2. Китоб ал-ҳажж ва асрориҳи.
3. Китоб ал-Еҳтиётот.
4. Китоб ал-Жумал ал-лозим маърифатиҳо.
5. Китоб ал-Фуруқ ва манъ ат-тародуф.
6. Китоб ҳақиқат ал-одамийя.
7. Китоб Урс ал-муваҳҳадийн.
8. Китоб ал-Аъзо вал-нафс ва юсаммо казалика ғавр ал-умур.
9. Китоб Манозил ал-ибод мин ал-ибодати.
10. Китоб ал-Ақл вал-ҳаво.
11. Китоб ал-Амсол мин ал-Китоб вас-Сунна.
12. Китоб ал-Маноҳий.

Дамашкда, аз-Зоҳирийя кутубхонасида Ҳаким ат-Термизийнинг икки асари ва беш рисола қўлёзмалари (тасаввуф туркуми, 104-рақами остида); Мисрдаги Искандария шаҳрида уч рисола (Мактабат ал-баладийя, 3585-рақами остида) сақланмоқда. Алломанинг Лондонда сақланаётган асарлари рўйхатида бешта рисола кўрсатилган. Қоҳирада, "Дор ал-кутуб ал-илмийя"да "Илал ал-уъбудийя" асарининг қўлёзма нусхаси мавжуд. "Китоб ас-салот" асарининг қисқартирилган варианты бўлган бу рисола кўпроқ "Илал аш-шарийъа" номи билан машҳур.

Булардан ташқари, Лейпсиг ва Истамбулда ҳам унинг баъзи асарлари қўлёзмалари мавжуд. Ҳаким ат-Термизийнинг асосий асарларидан бири — "Хат-мулавлиё" ҳақида биров тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Кўп вақтгача бу асар бизгача етиб келмаган, деб ҳисобланган. Бахтимизга бу тахмин

нотўғри бўлиб чиқди. Париж илмий-тадқиқот маркази-нинг ислом кадриятлари бўлими аъзоси Усмон Ис-моил Яҳё 1965 йилда Байрутда "Хатмул-авлиё" ни чоп эттирди. 586 саҳифадан иборат бу улкан нашрга Ҳаким ат-Термизийнинг бир неча рисоласи, шу жумладан таржимаи ҳолига оид ўттиз икки саҳифадан иборат "Бадъу шаъни Абу Абдуллох" асари илова қилинган. Унча катта бўлмаган айни шу асарга асосланиб Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ҳақида ҳақиқатга бирмунча яқин маълумотларга эга бўлинди. Унда алломанинг ҳаёти, у даставвал падари бузургворидан таълим олгани, Куфа ва Басрага саёҳати, Макка зиёрати ҳақида ёзилган. Маълум бўлишича, аллома ҳадиси набавийяни айнан Куфада чуқур ўрганган экан. Термизга қайтар экан, ёъл-ёълакай Қуръони каримнинг маълум қисмини ёд олган. "Хатмул-авлиё" мазмуни ҳақида гапириладиган бўлса, бу асарнинг асосий мазмунини валоятнинг ҳақлиги, шунингдек унинг нубувват ва рисолат билан боғлиқ масалалари ташкил этишини қайд қилиш даркор. Рисола муқаддима ҳамда йигирма тўққиз бобдан иборат. Унинг асосий мазмуни муриднинг саволларига шайхнинг берган жавоби тарзида баён этилган.

Ҳаким ат-Термизийнинг бу асарида валоят масалалари суфийлик тарихида илк бор мутлақо тугал назария тарзида тавсифланган. Бу асар Термиз ва Балхда ёйилган машҳур "ҳакимийя" суфийлари учун суфийлик тарихида ўзига хос янги ҳодиса бўлган. Бу таълимот диний васиятнома ёки маърифий дастур сифатида хизмат қилган. "Хатмул-авлиё" Сҳарк мусулмонлари дунёқарашига кучли таъсир қилган, шунга қарамай, юқорида таъкидланганидек, айрим фақиҳлар ҳамда арбобларда норозилик уйғотган. Ҳаким ат-Термизийнинг суфийлик тарихидаги аҳамияти асосан унинг рисоалари билан белгиланади. Уларда "рух" ва унинг "ҳолати" ҳамда "ҳаракати" тўғрисидаги, ўзини-ўзи такомил топтириш ҳамда тубан хатти-ҳаракатларни жиловлаш усуллари ҳақидаги, покланишга олиб келувчи изтироб ва шу қабилар суфийлик руҳиятининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатди. Ҳаким ат-Термизий суфиёна "маърифат" ("ҳикмат")ни инсон етишиши мумкин бўлган олий билим деб ҳисоблаган. Бу билимни у инсон қалбидан жой олган "илоҳий нур" га ўхшатган. Сҳариат қоидаларини шарҳлаш ва қўллашдан иборат бўлган одатий илмдан фаркли ўлароқ "маърифат" нарсаларнинг ички моҳиятини ва охир оқибатда, "илоҳий моҳиятни" англаб етади. Илмни таълим жараёнида эгаллаш мумкин бўлса, "маърифат" Аллоҳнинг суйган бандаларига нозил қилган раҳматидир. Илмни татбиқ этиш соҳаси ҳамда вақти чекланган, "маърифат"нинг эса чеки ёъқ. Қалбини дунё меҳридан поклаган ва Аллоҳга ошиқ бўлганларгина маърифатга етишадилар. Ҳаким ат-Термизий суфий валийларни шундайлардан деб ҳисоблаган. Улар қолган диндорлардан айни маърифатга етишганликлари билан ажралиб туришади.

Авлиё ҳақидаги суфиёна тасаввурларни биринчи бўлиб назарий асослаб, ҳуқуқ борасида уларни русул ва анбиё билан амалда тенглаштирган ҳам, афтидан, Ҳаким ат-Термизийдир. Алломанинг рисолат ва валоят нисбати, суфийликдаги авлиёлик даражаси тўғрисидаги ғоялари таниқли

олим Ибн Арабий ижодида ўз ривожини топди. Ибн Арабий ўз асарларига кўпинча Ҳаким ат-Термизий рисоаларидан катта-катта бўлақлар киритган.

Тадқиқотчилар таъкидлашicha, Ҳаким ат-Термизий будда-вийлик, христианлик ва монийлик таълимотларидан хабардор бўлгани эҳтимол. Унинг асарларида шу таълимотлар таъсирини кўриш мумкин. Алломанинг чуқур ва ҳар томонлама билимини эътироф этган замондошлари унга фахрли ал-Ҳаким — донишманд рутбасини бежиз беришмаган.

ХУЛОСА

Агар араблар Марказий Осиёни босиб олиб, бу ерда илгари мавжуд бўлган фан ва маданият ўчоқларини йўқотган бўлсалар, кўп ўтмай қадимий илмий анъана аста-секин тикланиб, натижада илм-фаннинг етук сиймолари етишиб чиқа бошлайди. Буларнинг барчасининг бир-бирига қўшиливи натижасида Шарқда бир бутун маданият таркиб топади ва ривожлана бошлайди.

Яқин ва ўрта Шарқда, жумладан, Эрон, Кавказorti ва Мовароуннаҳрда савдо алоқаларининг ривожланганлиги, илм-фан, хунармандчиликнинг тараққий этиши моддий ва маданий алоқаларнинг барчаси умумий ривожланишга таъсир этди. Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида маданий юксалишга олиб келган асосий сабаб-феодал муносабатларнинг янги босқичи бўлди. Бу давр маданий тараққиётида араб халифалигига бўйсунган мамлакатларнинг хўжалик-иқтисодий алоқаларининг кучайиши ва бунинг оқибатида турли маданиятлар-хинд, Мовароуннаҳр, Эрон, араб, Миср, грек-юнон-рим маданиятларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этиб бориши катта роль ўйнади. Ҳақиқатдан ҳам бу даврда иқтисодиёт тараққий этди, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ривожланди.

Бу даврда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари кенгайди, кўплаб суғориладиган ерлар очилди, суғориш иншоотлари тикланди, янгилари қурилди, пахта, зиғир, каноп экилиб, уларнинг толасидан мато тўқилди. Мовароуннаҳрда, хусусан, Хоразм, Урганч, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро тўқимачилик маҳсулотлари, айниқса Самарқанд ва Бухоро шойиси дунёга машҳур бўлган.

Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик, саноат маҳсулотларинингишлаб чиқарилиши савдонинг ривожланишига йўл очди. Натижада Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг чет давлатлар: Испания, Ҳиндистон, Хитой, Византия билан савдо ишлари кўлами ортиб борди.

Пиреней ярим оролининг араблар томонидан босиб олиниши инсоният тарихининг янги саҳифаларини очиб берди. Бу жараённинг, айниқса, Оврўпа учун аҳамияти бекиёс бўлди. Шарқ фақатгина Оврўпо маданиятининг ривожига таъсир этибгина қолмай, балки умуман, Оврўполик одамнинг психологияси, тафаккури, характери, ҳаёт тарзини тарихий жараёни тубдан ўзгартириб юборди. Бу эса ўз навбатида математика, фалсафа, астрономия, табиийёт, тиббийёт, хулқ-одоб, турмуш тарзи, ижтимоий-

иқтисодий ҳаётига таъсир этди.

Х асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил феодал давлатлар—Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатларининг пайдо бўлишида халифаликнинг емирилиши ҳам маданий ҳаётнинг янада раванқ топишига олиб келди.

Бу даврда пул муомаласи ривожланди. Жамият сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, албатта маданий ҳаётга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Сомонийлар давлатида Марв, Бухоро, Самарқанд ва Урганч ўша даврнинг маданий марказлари саналарди.

Бу даврда араб тили илмий ва алоқа тили эди. Мактабларда дарслар араб тилида олиб борилар эди. Расмий ҳужжатлар, шариат қоидалари араб тилида юритилар эди. Илмий асарлар ҳам араб тилида ёзилар эди. Х аср ўрталарига келиб, форс-тожик тилида ҳам иш юритила бошланди. Аммо ҳужжатлар, ишлар форс-тожик тилида бўлса ҳам, араб имлосида ёзилар эди.

Бу шаҳарлардаги мактабларга ҳатто теvarак-атрофдаги кишлоқлардан оддий халқ болалари ҳам келиб ўқиганлиги манбаларда келтирилади.

Ўша даврда Бухорода катта китоб бозори бўлган. Китоб дўконларида олим ва фозил кишилар учрашиб, илмий мулоқот, мунозаралар ўтказганлар. Абу Али ибн Сино китоб дўконларидан бирида Форобийнинг Аристотел “Метафизика”сига ёзган шарҳларини сотиб олганлигини таржимаи ҳолида ҳикоя қилади.

Бухоро амири саройида эса йирик кутубхона мавжуд бўлган.

Амир кутубхонасини ўша даврдаги Шероз кутубхонаси билан беллаша оладиган ягона кутубхона сифатида тан олганлар.

Сомонийлар даврида Рудакий, Фирдавсий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино каби мутафаккирлар ижод этганлар. Х асрнинг иккинчи ярмидан ташкил топган Қорахонийлар давлатида ҳам баъзи хонлар ўз саройларида кутубхоналар ташкил этдилар. Бу кутубхоналарда араб ва ҳатто Ғарбий Европа олимларининг асарлари ҳам мавжуд эди. Бу даврда туркий тил шаклланиб борди. Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий каби олимлар жаҳон аҳамиятига эга бўлган асарларини яратдилар. XI аср бошида Ғазнавийлар давлати, кейинроқ Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлати ташкил топди. Ғазнавийлар даврида ҳам илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланди. Маҳмуд Ғазнавий ўз саройига жуда катта маданий бойликларни тўплайди, олимларни илмий ишга таклиф этади. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг машҳур “Ҳиндистон” асарини шу ерда яратган эди.

Салжуқийлар даврида Алп-Арслон Муҳаммад ҳокимиятни бошқарганда унинг вазири Низом ул-Мулк ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби ва энг маърифатпарвар кишиларидан бўлган.

Салжуқийлар ҳокимияти ҳарбийлашган бўлиб, бу ҳокимиятнинг ички ва ташқи сиёсатини Низом ул-Мулк бошқарар эди. У ғазнавийлар иш услубига бир оз ўзгартиришлар киритиб, ҳокимиятни бошқариш услубини

ишлаб чиқади ва ўзининг “Сиёсатнома” асарини яратади (1091-1092 й.й.). Бу асарда давлатни бошқариш тамойиллари-принциплари баён этилади. Низом ул-Мулк маорифни ривожлантиришда катта хизмат қилади. 1067 йилда Бағдодда ўзининг шахсий жамғармасига ўша даврнинг энг машхур ўқув юрти- “Низомия” мадрасасини қурдиради. У олимлар, дин пешволари, сўфийларга катта эътибор бериб, ғамхўрлик қилади. Унинг катта хизматларидан яна бири тақвимни ислоҳ қилгани. У 1074 йили ўрта Шарқ мамлакатлари учун календарь-тақвим тузадики, бу тақвим ҳозиргача энг такомиллашган календарлардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ирисов А. Хоразмий ва Фаробий, Т. Бирлашган науриёт 1961, 8-9
2. Ал-Хоразмий Мухаммад ибн Мусо. Танланган асарлар "Алнобр ва ал мукобала хисоби хакида кискача китоб," Т.77-73 б.
3. А.Р.Беруний. Рухият ва таълим-тарбия хакида. Туракулов С., Рахимов, Т. Укитувчи 1992
4. Шарипов Ф.М. Сиёсатшунослик. Т.1992 й.
5. Политология асослари. Т.1992 й.
6. Л.И.Рувинский. Тербиявий иш методикаси. Т. 1991 й.
7. С.П.Баранов, Л.Р.Болотина, В.А.Сластелин. Педагогика.
8. Нуриддинов З. Абу Райхон Берунийнинг педагогик қараши. Т. 1973 й.